



## Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қурилиш ва ипотека соҳаларида ислохотларни жадаллаштириш ҳамда архитектура йўналишидаги олий таълим муассасаларини трансформация қилиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг йиғирма саккизинчи ялпи мажлисини 2022 йил 8 июль куни қақшириш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Сардор Умурзоқов «KIA Russia&CIS» («KIA Россия ва МДХ») Президентининг Санг Гвон Жонгни қабул қилди.



Сув ҳўжалиги вазирлигида Ўзбекистон – Франция ишбилармон кенгаши раиси Клод Имовен бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув ташкил этилди.



Давлат экология қўмитаси раиси Нарзулло Обломуродов ҳамда БМТнинг Озиз-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг субминтакавий координатори ва Ўзбекистондаги вакили Виорел Гуцу ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Наманган вилоятининг ишбилармон доиралари вакиллари, бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат делегацияси «Иннопром-2022» халқаро иқтисодий ва саноат кўргазмасида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрига борди.

Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Педагогика коллежининг спорт мажмуасида белбоғли, бел олиш ва уч кураш бўйича қатталар ва ўсириллар ўртасида Ўзбекистон кубоги баҳсларидаги турнир ўтди.



7 июль куни АҚШнинг Алабама штати, Бирмингем шаҳрида Бутунжаҳон спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли спорт ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегацияси АҚШга жўнаб кетди.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг профессор-ўқитувчиларидан иборат делегацияси Шведиянинг Lund University (QS-87 ўрин)да Central Asian Law лойиҳаси доирасидаги конференцияда иштирок этди.

uz.uz хабарлари асосида тайёрланди

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг 37-моддасига киритилиши тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда мажбурий меҳнатни тақиқлашга оид нормалар таҳрирталди.

## Мажбурий меҳнат тушунчаси

### Конституцияда қандай акс этиши керак?



Тақлиф этилаётган лойиҳага кўра, «Жазони суднинг ҳукмига кўра ўташ тартибидан бошқача тартибдаги мажбурий меҳнат ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардаги мажбурий меҳнат тақиқланади».

Мажбурий меҳнатдан ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларидан фойдаланиш тақиқланади ҳамда бу қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлади», мазмундаги норма киритилиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур модда лойиҳасида берилган «ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардаги мажбурий меҳнат тақиқланади» жумлалари «бирор бир қонун ҳужжатидан мажбурий меҳнатга жалб қилиш мумкинлиги белгиланган экан-да», деган ҳулосага олиб келади.

Ушбу норманинг иккинчи қисми биринчи қисми мазмунини такрорлаётгани учун қонунчилик техникаси қоидаларига кўра, қайта таҳрирга муҳтож.

Тақлиф этилаётган ушбу нормани аниқ, ҳеч қандай ҳаволаки нормаларни қўлламаган ҳолда Конституцияда қатъий белгилаш жуда муҳим ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, умумтан олинган ва Халқаро меҳнат ташкилотининг 8 та фундаментал конвенцияларидан бири бўлган зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-конвенциясида мажбурий меҳнат ҳисобланмайдиган ҳолатларнинг қатъий ва тугал рўйхати берилган. Бошқа ҳеч қандай ҳолат мажбурий меҳнатни истисно қилувчи сифатида баҳоланмаслиги шарт.

Бу борада ХМТ собиқ Бош котиби Хуан Сомавиянинг «мажбурий меҳнат инсон ҳуқуқларининг кўпол равишда бузилиши ва халқаро ҳужжатларда белгиланган инсон эркинлигининг чекланишини ўзида намойён қилади», деган фикри ҳам ушбу ноқонуний амалиётни фақат меҳнат муносабатлари нуқтаи назаридан тушунмаслик кераклигини тасдиқлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 37-модданинг бешинчи ва олтинчи қисмлари сифатида киритиш тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни қуйидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

«Мажбурий меҳнатдан ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларидан фойдаланиш тақиқланади ҳамда бу қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Мажбурий меҳнат қуйидагиларни ўз ичига олмайди: ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида ҳарбий хўсусятдаги ишларни ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида амалга ошириладиган ишларни бажаришни;

фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий қилиниши муносабати билан бажарилиши белгиланган ишларни;

суд ҳукмининг қонуний қучга кириши муносабати билан суд ҳукмининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этилиши учун маъсул бўлган давлат органи назорати остида бажарилган ишларни.

Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари қонун ҳужжатларига кўра белгиланади».

Жўрабек РАСУЛОВ,

Тошкент давлат юридик университети «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси доценти в.б., юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

## Наманган вилояти

### Касаба уюшмалари аралашгач...

## ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ ЭМАС

«Probuild Generation» МЧЖда туппа-тузук ишлаб юрган Б.Тўйчибоев иш берувчи ташаббусига кўра ишдан бўшатиб юборилди.

Унинг арзи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши томонидан ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 3-бандига мувофиқ бекор қилинган.

– Бу ўринда ходим меҳнат вазифини мунтазам бузгани, аввал ҳам интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилгани важдан ишдан бўшатиш бўлишига қарамай, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда белгиланган тартибга зид равишда буйруқ расмийлаштирган, – дейди юрист Баҳром Раҳимбердиев. – Бўлиб ўтган судда ишдан бўшатишда иш берувчи томоннинг бир қатор камчиликлари кўрсатиб ўтилди. Судда иш берувчи ва ходим ўртасидаги ке-

лишувга асосан ишдан бўшатишга ҳодимга уч миллион сўм компенсация пуллари ундириб берилди ва мазкур меҳнат низои келишувга мувофиқ яқунланди.

Айрим раҳбарларнинг меҳнат қонунчилигини етарли даражада билмагани сабабли яна бир ташкилотда меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга доир бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Наманган вилояти ноғиронлар учун минтақавий реабилитация маркази ҳамширалари М.Дадабоева ҳамда Н.Мунировичнинг касаба уюшмаларига ёзган даъво аризаси бунга яққол мисол бўлади. Улар ташкилотда бир неча йилдан буён ишлаб келишадигани, аммо пенсия ёшида эмасликларига қарамай, иш берувчи улар билан тузилган меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига мувофиқ бекор қилган.

Шу ўринда иш берувчи ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда белгиланган талабларга амал қилмаган. Бундан ташқари, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишидан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмаган.

Мазкур камчиликлар бартараф этилиб, ходимлар ўз ишларига тикланди.

Орзугул РУСТАМОВА,

«ISHONCH»

## Навоий вилояти

## ВИРУСОЛОГНИНГ ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Кўп йиллардан буён Навоий вилояти санитария-эпидемиологик осойиштали ва жамоат саломатлиги бошқармасида ишлаб келаётган Шокир Вафоев 2020 йил пандемия муносабати билан вирусология лабораториясида ишга жалб этилди.

2020 йилнинг 30 апрелидан то 19 августига қадар Ш.Вафоев мазкур лабораторияда ички режимни бошқариш ва назорат қилиш масаласи бўйича раҳбар ўринбосари лавозимида виждонан меҳнат қилди.

Тўрт ойдан сўнг у лаборатория ишидан озод қилиниб, аввалги вазифасига қайтарилди. Аммо... Унга ўша вақтдаги ҳужжатларга асосан тўлаиши лозим бўлган 248 миллион 578 минг 800 сўм

Нормурод МУСОМОВ,

«ISHONCH»



## ёхуд онлайн қимор қармоғига кимлар илиняпти?

...Номинг ўчғур ўйиннинг турли жиноятларга доя бўлаётгани бир томон. Унинг баҳонасида айрим ташкилотлар, жумладан, банклар бошқарувида анчайин кемтик жиҳатлар борлиги ҳам яққ этиб кўзга ташланиб қолмоқда. Дейлик, бир ходимнинг банк филиалидан 780 миллион сўмни ўмарши ҳазилакам гапми? Ёки шу йил баҳорда Сурхондарёда рўй берган ҳолатни эслайлик. Халқ банкининг кассири 278 кишининг пенсия пулини онлайн ўйинга ишлаб юборгани ҳақида интернет сайтлари орқали озмунча бонг урилди, дейсизми? Бу нима дедани: банклардан пул ўзлаштириш, ўғирлаш шу қадар осонми? Айни ҳолатлар банк обрўси, мижозлар ишончига соя солмаслиги мумкинми?..

>>>3



## Жиззах вилояти

### Касаба уюшмалари – болаларга!

## Эзгу амаллар тараннуми

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Жиззах вилояти кенгаши «Касаба уюшмалари – болаларга!» шiori остида маданий тадбирлар ўтказди. Тизимда фаолият юритаётган ходимлар фарзандларининг ёзги таътиллари мазмунли ва мароқли ўтказиш, уларда маънавий-маърифий кўникмаларни кучайтириш, маданий дам олишларига кўмаклашиш мақсадида Жиззах вилояти болалар театри билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирлар 1000 на-

фардан зиёд ўғил-қизни қамаб олди. Театрлаштирилган томошаларда инсоний фазилатлар, эзгу амаллар тараннум этилди.

Мўқимбой ИСМОИЛОВ,

«ISHONCH»



**Тошкент шаҳри**

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши Миробод туманидаги 110-сонли иктисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган тарғибот тадбири уюштирди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Федерациянинг Тошкент шаҳар кенгаши



## Қизғин ўтди

масъуллари, халқ таълими ҳамда мактабгача таълим бош бошқармалари, олий ўқув юрталари бошланғич касаба уюшма қўмита раислари ва фаоллари иштирок этди.

Анджуманда таълим-тарбия сифатини оширишда педагогларни ижтимоий, ҳуқуқий ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтдик, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдуҳалил Раҳмонов. – Конституцияга кирити-

лаётган ўзгаришларда шунга дахлдор масалалар юзасидан иштирокчиларнинг фикрлари қизғин бўлди.

Тадбир давомида 2021-2022 ўқув йилида халқ таълими муассасалари ўртасида рейтинг юқори 5 та умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг 55 нафарига санаторийларга бепул йўланмалар тантанали равишда топширилди.

Шахло АБДУРАҲМОНОВА, «ISHONCH»

## Ўқув-семинар

## Муҳим мавзуда мулоқот



Тошкент давлат аграр университетиди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходимлари меҳнат муносабатларига бағишлаб ўқув-семинар ташкил этди.

Университет профессор-ўқитувчилари ҳамда ишчи-ходимлари иштирок этган тадбирда меҳнат муҳофазаси, меҳнат-қашларнинг ижтимоий ҳимояси, меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими борасида фикр алмашилди.

Шунингдек, ўқув даргоҳида меҳнатни муҳофаза қилиш, уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги борасидаги ишлар билан танишилди. Бу жараёнда зарур бўлган тушунча ва тавсиялар берилди.

Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими

## Қоғозда қолаётган битимлар



Хавfli ва зарарли омиллар мавжуд ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган меъёрлар асосида меҳнат қилишлари лозим. Меҳнат шартларида бу йўналишда иш берувчи зиммасига алоҳида масъулият юклатилади. Аммо ана шу оддий тартибга ҳам риоя қилмаётганлар бор. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат инспекцияси томонидан ўрганилган қатор ташкилотларда шундай камчиликлар юзага қалқиб чиқди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг аксариятида ходимларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш амалиётига жуда лоқайд муносабатда бўлинади, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат-техник инспектори Муҳаммад Сатторов. – Касаба уюшмаларининг фаол аралашуви билан бундай камчиликларга барҳам берилаяпти.

Ўрганишларда Каттакўрғон тумани тиббиёт бирлашмасида гепатит В, С ва ОИВ инфекциясига текширувдан ўтган 1121 нафар ходимнинг ҳар бири 110 минг сўмдан, Иштихон тумани тиббиёт бирлашмасида тиббий кўриқдан ўтган 1525 нафар ходимнинг ҳар бири 124 минг 436 сўмдан маблағни ўз ҳамёнидан тўлагани аниқланди. Касаба уюшмалари аралашуви билан каттакўрғонлик тиббиёт ходимларига 123 миллион сўм, иштихонлик шу соҳа ходимларига 151 миллион 186 минг 740 сўм миқдориди маблағ ТТБлар ҳисобидан тўлаб берилишига эришилди.

Тиббиёт ходимлари – саломатлик посбонлари. Уларнинг меҳнати, иш шариоити ва соғлиғи муҳим аҳамиятга эга. Бу масаладаги лоқайдлик, расмиятчиликни асло оқлаб бўлмайди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

## Оғриқ тишлар...

меҳнат талабларига бўлган бундай муносабатни қандай изоҳлаш мумкин? Корхона ва ташкилотларда тузилаётган «меҳнат муҳофазаси бўйича битим»ларда негадир сарф-харажатлар сметасига ходимлар учун махсус кийим-кечак ва бошқа ҳимоя воситалари учун кетадиган маблағларни киритмаслик аънанаси пайдо бўлган. Пайарик, Иштихон туманлари ўрта бўғин тиббиёт ўқув муассасаларида битим талаблари умуман бажарилмаяпти.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг аксариятида ходимларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш амалиётига жуда лоқайд муносабатда бўлинади, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат-техник инспектори Муҳаммад Сатторов. – Касаба уюшмаларининг фаол аралашуви билан бундай камчиликларга барҳам берилаяпти.

Ўрганишларда Каттакўрғон тумани тиббиёт бирлашмасида гепатит В, С ва ОИВ инфекциясига текширувдан ўтган 1121 нафар ходимнинг ҳар бири 110 минг сўмдан, Иштихон тумани тиббиёт бирлашмасида тиббий кўриқдан ўтган 1525 нафар ходимнинг ҳар бири 124 минг 436 сўмдан маблағни ўз ҳамёнидан тўлагани аниқланди. Касаба уюшмалари аралашуви билан каттакўрғонлик тиббиёт ходимларига 123 миллион сўм, иштихонлик шу соҳа ходимларига 151 миллион 186 минг 740 сўм миқдориди маблағ ТТБлар ҳисобидан тўлаб берилишига эришилди.

Тиббиёт ходимлари – саломатлик посбонлари. Уларнинг меҳнати, иш шариоити ва соғлиғи муҳим аҳамиятга эга. Бу масаладаги лоқайдлик, расмиятчиликни асло оқлаб бўлмайди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

## Энг фаол ёш мутахассислар

**Тошкент вилояти**

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика танлови ўтказилди. 25-35 ёшли мутахассислар орасида ўтказилган танлов уч босқичда ташкил этилди.

Унда финалга етиб келган 28 нафар йигит ва қиз ўз лойиҳалари, фаолиятидаги ютуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, ижодий ва илмий ишлар, янги ишланмаларни тақдим этишди.

«Энг фаол ёш қурувчи» номинацияси бўйича биринчи ўринни Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти талабаси Норигул Куролова, иккинчи ўринни Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Оразмет Матчанов, учинчи ўринни «Трест-12» АЖ лойиҳа бў-

лими дизайнери Дилмурод Акмалхўжаев эгаллади. «Энг фаол ёш транспорт ходими» номинациясида эса биринчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги Лицензиялаш бўлими мутахассиси Максет Ўтениёзовга, иккинчи ўрин Навоий вилоятидаги «Kag-RigTrans» Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси механиги Элиза Салимовага, учинчи ўрин «Тошхартрансхизмат» АЖ мутахассиси Соибжон Ғуломовга nasib этди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шерзод НЕЪМАТОВ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



## Қашқадарё вилояти



## Ўзги соғломлаштириш

## Кенгузарда завқли ёз

Яккабоғ туманидаги Кенгузар қишлоғида жойлашган «Истиқлол ғўнчалари» оромгоҳида айни пайтда 400 нафардан ошиқ ўғил-қиз ҳордиқ чиқармоқда.

Бу ерда деярли барча тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг фарзандларини учратиш мумкин. Чунки ота-оналар ўз дилбандининг ушбу баҳаво масканда ҳордиқ чиқаришини исташади. Бунинг боиси бор, албатта. Оромгоҳда боланинг нафақат жисмоний, балки руҳий такомиллиги ҳам жиддий эътибор берилади, кўнгилочар ўйинлари мусобақалар билан бирга маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилади. Уйга соғлиғи янада мустаҳкамланиб, азму шижоатга тўлиб қайтади.

Оромгоҳда тарбиячилик қилиш билан бирга болаларга инглиз тилидан сабоқ бераман, – дейди суҳбатдошимиз Азиза Аннакулова. – Турли ўйинлар воситасида хорижий тилда мулоқот қилиш, янги сўзларни ёдлатиш осон. Болаларда тилини ўрганишга бўлган қизиқиш юқори.

Оромгоҳда ишлаётган жонкуяр, самимий тарбиячилар ва етакчилар, спорт мусобақалари ҳамда кўрик-танловларда фаол иштирок этган ғайратли ўғил-қизлар оромгоҳ маъмурияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланмоқда.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»


## Ички туризм

## Очиқ осмон остидаги музейга саёҳат

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши ташаббуси билан туман ва шаҳарлардаги аъзо ташкилотлар ишчи-ходимлари, нуроний отахонлар ҳамда журналистлардан бир гуруҳи Хоразм воҳасининг Урганч, Хива каби қадимий шаҳарлари бўйлаб саёҳатга чиқди.

Сирдарёликлар уч кун давомида очиқ осмон остидаги музейда жойлашган Ичанқалъа, Дишанқалъа, Тошхўвли саройи, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Калта минор ва Исломуҳжа миноралари сингари диққатга сазовор жойларни зиёрат қилишди. Саёҳат барчада олам-олам таассурот қолдирди.

Умидда МИРЗАЕВА, касаба уюшмалари стипендианти



## Сирдарё вилояти





Андижон вилояти

**«1xBet» аталмиш онлайн қимор тури ҳақида эшитган чиқарсиз? Таваккалчиликка асосланган ўйинга бор-будини тикиб, хонавайрон бўлаётганлар ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали озмунча хабарлар тарқалаяптими, ахир? Каттагина маблағни бой бериб, иложсизликдан ўз жонига қасд қилиш кўпаймоқдаки, бу муаммо яқинда пайдо бўлганига қарамай, маддалаб-шишгани, кўлами эса тахмин қилганимиздан анча катта эканини билдиради.**

Афсуски, шу ҳақда гап очилганда, «Бу масала кўпма баҳсга арзимади. Атрофимизда шундан бошқа бонг урадиган муаммолар йўқми? Ўлчовни баландроқ олсангиз-чи», дея эътироз билдирувчилар ҳам йўқ эмас. Бир қарашда, уларнинг фикрида ҳам жон бордек: қиморга пул тикаётган одам ёш боламас, ақли-ҳуши жойида, демалки, хатти-ҳаракатининг оқибатини яхши билади. Уйинда ютқаздим, зиён-заҳмати ўзига ва оиласига. Шундай бўлгач, бош қотиришга ҳожат бормикин?

Келинг, аввал ўйинга муқасидан кетган уч йигит тақдири хусусида сўз юритсак, сўнг юқоридаги баҳсли саволга жавоб изласак.

**1-ҳолат**

Балиқчи туманида яшовчи Д.Отахон (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) «1xBet» тузюига илинишдан аввал, гарчи мавсумий ишлар билан шуғулланса-да, топиш-тутишида барака, оиласида ҳаловат бор эди. Қиморга ўралашиб, бир йиллик «стаж» орттиргач, фикри-зикри нима қилиб бўлса-да, каттароқ пул топиб, ўйинга тикишдан иборат бўлиб қолди.

Бундай вазиятда автоуловни ёки уйдан бошқа кўчмас мулки бор одамнинг қарз кўтариши нисбатан осон кечади. Дадаҳон таниш-билишларидан йирик миқдорда қарз ололмастасизми ақли етиб, қўшни қишлоқда фермер хўжалиқларининг ғалладан бўшаган ер майдонларини ижарага олиб, деҳқончилик қиладиган миришкорларни «ўлжа» сифатида танлади. Қишлоқдагилар яхши билишади – гектарлаб майдонда такрорий экин етиштириб, тирикчилик қиладиган одамларнинг битта ташвиши бўлади: фермер билан гаплашиб, келгуси мавсум учун ижара пулини олдинроқ тўлаб, ерни куздаёқ банд қилиб қўйиш. Чунки Андижон томонларда бугун ўрими палласини қўйинг, ҳатто эрта баҳорда ҳам ғалладан бўшайдиган даладан ер буюртма қилиш – амри маҳол.

Хуллас, Отахон ана шу «нозик» масалада «қўшни Олтинқул туманида фермер хўжалигим бор, такрорий экинга ер олмайсизми?» дея деҳқонларга «қармоқ» ташлади. Алдовга чиқпа-чин ишонганлар ҳам дарров топила қолди: бири 800, бошқаси 1000, кимдир 1150, бирови 400 доллар – хуллас, содда одамлар икки-уч ой ичида анча-мунча пулни унинг қўлига тутқазиб қўйдилар.

Бу борада мош савдоси билан шуғулланувчи ана бир деҳқонни ижарага 7,5 гектар ер майдони ажратиб бериш ва арзон нарҳда 5 тонна мош сотишни ваъда қилиб, 3800 долларга чув тушириб кетди. Энг ёмони, «йирикроқ ютсам, қарзларимни қайтариб қўяман», деган ўйда ўзгалардан олган ҳамма пулини онлайн қиморга тикиб юборди ва... бор-будидан айрилди.

Яқун. Бу хатти-ҳаракатлар қандай ниҳоя топганини сезиб турган бўлсангиз керак. Қажрамонимиз хонавайрон бўлди. Навқирон ўттиз

**АЙНИ БАЛОГА ЙЎЛИҚҚАН ЁШЛАР ЎҒРИЛИК, ФИРИБГАРЛИК, ПОРАХЎРЛИК, ЎЗГАНИНГ МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ЭТИШ, ҚОТИЛЛИК, ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ КАБИ ҚАТОР ЖИНОЯТЛАРГА ҚЎЛ УРМОҚДА. ҚИМОРДА ЮТИШ ВАСВАСАСИ КИШИНИ ҲАР КЎЙГА СОЛЯПТИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ГУЛДАЙ ОИЛАЛАР ДАРЗ КЕТАЁТГАНИГА ҲАМ АТРОФИМИЗДА МИССОЛЛАР ЕТАРЛИ.**

**2-ҳолат**

Жалақудуқлик 28 яшар Й.Фахриддин ахборот технологиялари соҳасида олий маълумотга эга, Халқ банкнинг филиалларидан бирида бош мутахассис лавозимида туппа-тузук ишлаб келаётган. Уни уйлаш таралдуқиди қиз ахтаришаётган.

Бир ярим йиллар аввал телефонда «1xBet» ўйнашни бошлади. Яшириб нима қилдик, дастлаб бир-икки миллион сўм ютди ҳам. Ҳаводан келган пулнинг жозибаси уни шу қадар ром этдики, бунданам каттароқ пул топиш мумкин, деган қатъий ишонч пайдо бўлди.

Саробни биласиз. Унга қанча интиланг, ҳеч етолмайсиз. Фахриддин ҳам саробга талпина-талпина, нақ 345 миллион сўмни бой берди. Тўғри, бу маблағнинг бироз қисмини шахсий эҳтиёжлари учун ҳам ишлатди, аммо қарийб 300 миллион сўмдан зиёдроқ қисми онлайн қиморда бой берилди.

**ёхуд онлайн қимор қармоғига қимлар иланияпти?**

ёшида фибригарликда айбланиб, суд ҳукмига кўра олти йилга кесилиб кетди. Аёли, икки боласи, яқинлари чирқираб қолаверди. Тагин ҳам жабрланувчилардан икки нафари ўзларига етказилган зарарни ундириш даъвосидан, яъни ким 1 минг 800 доллардан воз кечишди. Қолганларининг жами 80 миллион сўмдан зиёдроқ ҳақи Отахоннинг елкасида турибди. Эҳҳе, энди қачон қамоқдан қайтади-ю, қачон оёққа туриб, қарзларини тўлайди.

Хўш, қажрамонимиз бунча пулни қаердан олди? Шахсий жамғармаси бормиди? Йўқ, аксинча, «1xBet» ўз гирдобига расман торта бошлаган паллада зиммасига бириктирилган вазифалардан бири – банкоматлар техник ҳолатини назорат қилиш баҳонасида банк филиали маъмурий биноси ҳамда деҳқон бозорига жойлашган банкоматлардан бир неча бор усталик билан пул ўмаришининг удрасидан чиқди ва ўғирланган маблағлар миқдори, юқорида қайд этилгани каби, 345 миллион сўмга етган паллада сирлар очилди.

Яқун. Судда барча ҳолатлар қонунга биноан ўрганиб чиқилиб, Фахриддин етти йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига муштаҳқ бўлди. Қўшимчасига, уч йил муддатга ҳафсизлик ва ахборот технологиялари йўналиши бўйича банк тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Шунингдек, судланувчидан банк фойдасига етказилган моддий зарарларни ундириш хусусида бир тўхтама келинди.

**3-ҳолат**

Улуғнорлик А.Ақром ҳам икки йилча аввал «1xBet» ўйнашни бошлаганди. Ўтган вақт бир оилани хонавайрон қилишга кифоя қилди. Олий маълумотли ўттиз яшар йигит «Агробанк» филиалларининг бирида бўлим бош менежери, яъни пластик карта техникалари бўйича ходим вазифасида бинойидек ишлаб келаётган.

Қарасак, «1xBet»нинг завқидан кўра зиёни ортиб борапти. Чунки анча маблағни ютқазиб қўйди. «Охиригача уйнаб, бой берган пулларимни қаррасига кўпайтириб қайтариб олмасамми ҳали?» деган ўй баттар жазавага туширди. Каттароқ таваккал қилиш учун каттароқ пул ке-

рак. Пулни қаердан олиш мумкин? Мана шу савол уни режалар тузишга ундади. Режаларининг эса турган-битгани ўғриликдан иборат эди. Қисқаси, ўзи ишлаб турган филиалдаги банк матрни ғайриқонуний равишда очиб, ойликхўр одам ўртанча ўн йилда ишлаб топиши мумкин бўлган маблағ – нақ 780 миллион сўмни 2021 йилнинг мартдан сентябрь ойига қадар бўлиб-бўлиб, шахсий пластик картасига ўтказиб олишининг удрасидан чиқди. 780 миллион сўм-а!?

Қажрамонимиз пулларнинг бир қисмини шахсий эҳтиёжларига сарфлаб, мол-мулк харид қилгани инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Аммо 500 миллион сўмнинг нари-берисидаги пулни онлайн қиморда бой бергани ҳам рост.

Яқун. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деган гап бор. Қажрамонимизнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари ҳам кунни келиб сув юзасига қалқиб чиққан кўпик каби аён бўлди-қолди. Яхшиям, унинг қариндош-уруғлари анчайин оқибатли экан: тоға-ю амакилар бирлашиб, банкка етказилган зарарни қоплаб беришди. Етмаган қисмига оиланинг иқтисодига қувват бўлиб турган савдо дўкони сотувга қўйилди. Ақромнинг ўзи эса айби судда ўз исботини топиб, уч йилга «кесилиб» кетди. Энг ёмони, касалманд отаси бундай кўргуликларга дош беролмай, оламдан ўтди.

Юқорида келтирилган уч йигит қисмати «1xBet»нинг қандай ўйин экани-ю, унинг гирдо-

бига тушиб қолган киши ҳеч қачон мурод-мақсадига ета олмастасизми ҳақида тасаввур ҳосил қилишга етиб ортса керак-а? Зеро, бусиз ҳам ижтимоий тармоқлар қимор ортидан бор-будидан айрилган, ҳатто ўз жонига қасд қилганлар ҳақидаги хабарлар билан тўлиб-тошмоқда.

Таассуфки, айни балога йўлиққан ёшлар ўғрилик, фибригарлик, порохўрлик, ўзганинг мулкини талон-торож этиш, қотиллик, ўз жонига қасд қилиш каби қатор жиноятларга қўл урмоқда. Қиморда ютиш вазвасаси кишини ҳар кўйга соляпти. Шу билан бирга, гулдай оилалар дарз кетаётганига ҳам атрофимизда мисоллар етарли.

Айни жумлалар муаллифининг шахсий кузатувларидан хулосаси шуки, «1xBet»га берилганларнинг аксарияти қора қозонини аранг қайнатаётганлар эмас, балки муайян касб-корга, барқарор даромад манбаига эга бўлган кишилардир: банк ходими, ахборот технологиялари бўйича мутахассис, олий ўқув юрти ўқитувчиси ва ҳоказо. Яъни, муҳтожлик ёки етишмовчиликдан эмас, кўпроқ бойлик орттириш илнжидида шу юмушга қўл уриш ҳоллари кўпроқ учраяпти.

Номинг ўчғур ўйиннинг турли жиноятларга доя бўлаётгани бир томон. Унинг баҳонасида айрим ташкилотлар, жумладан, банклар бошқарувида анчайин кемтик жиҳатлар борлиги ҳам ярқ этиб кўзга ташланиб қолмоқда. Дейлик, бир ходимнинг банк филиалидан 780 миллион сўмни ўмариши ҳазилакам гапми? Ёки шу йил баҳорда Сурхондарёда рўй берган ҳолатни эслайлик: Халқ банкнинг кассири 278 кишининг пенсия пулини онлайн ўйинга ишлатиб юборгани ҳақида интернет сайтлари орқали озмунча бонг урилди, дейсизми? Бу нима дегани: банклардан пул ўзлаштириш, ўғирлаш шу қадар осонми? Айни ҳолатлар банк обрўси, мижозлар ишончига соя солмаслиги мумкинми?


Шундан келиб чиқилса, бугун иш берувчилардан кадрларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига, айниқса, улар зиммасига бирор ташкилотнинг моддий маблағлари ёки ахборот хавфсизлиги ишончи топширилгудек бўлса, жиддий эътибор қаратишлари тақозо этилмоқда.

Яқинда нуфузли хусусий банклардан бирининг ҳуқуқшуноси айни мавзуда сўз очиб қолди. Унинг айтишича, ўтган йили банкда ҳар бир ходим ҳамда унинг оила аъзоларига тегишли пластик карталардаги ўтказмалар борасида жиддий равишда назорат бошланган. Мақсад – онлайн ўйинларга алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш. Қиморга аралашши ҳолати сезилдими, у энг билими ва тажрибали ходим бўлса-да, муассасадан четлатиш масаласи кун тартибига қўйилган. Бундан ташқари, турли соҳа вакиллари ва ходимлар иштирокида маърифий сўхбатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани боис кун тартибидagi масалада ижобий натижага эришилмоқда.

Бўлар экан-ку! Нега энди шу каби тажрибани бошқа муассасаларда ҳам амалиётга жорий этиш мумкин эмас? Қиморга берилган ходим ҳаддини билмай, ўзи ёки оиласи қолиб, ўзгалар, ҳатто меҳнат қилаётган муассасаси манфаатига ҳам зиён-заҳмат келтирар экан, юқоридаги усул билан бўлса-да, бунинг дарҳол олдини олиш даркор.

Бугун миллат ёшларини таназзулга етаклаётган балодан қутқариш, унинг олдини олиш масаласи жамият тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир ватандошимизнинг, масъул идораларнинг бош вазифаларидан бирига айланмоғи зарур. Муаммо ечими юзасидан тайинли йўл-йўриқ ва фикр айтиш виждони уйғоқ юртдошларимизга так. Нима дедингиз?

**САРОБНИ БИЛАСИЗ. УНГА ҚАНЧА ИНТИЛМАНГ, ҲЕЧ ЕТОЛМАЙСИЗ. ФАХРИДДИН ҲАМ САРОБГА ТАЛПИНА-ТАЛПИНА, НАҚ 345 МИЛЛИОН СЎМНИ БОЙ БЕРДИ. ТЎҒРИ, БУ МАБЛАҒНИНГ БИРОЗ ҚИСМИНИ ШАХСИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ҲАМ ИШЛАТДИ, АММО ҚАРИЙБ 300 МИЛЛИОН СЎМДАН ЗИЁДРОҚ ҚИСМИ ОНЛАЙН ҚИМОРДА БОЙ БЕРИЛДИ.**



Нурилло НЎЗМОҶОВ, «ISHONCH»



Хоразм вилояти

**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини яратиш ва фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низоми» тасдиқланган.**


Низомида ташкилотларда идоравий бўлинмалар сони, фаолият хусусиятлари, касбга оид хавф-хатар даражаси ва ходимлар сонини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил этилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозими жорий этилиши ёхуд хизмат вазифаларини бажариш мақсус тайёргарликка эга ходимга юклатилиши белгиланган.

Ҳозирда ушбу низоми талаблари асосида аксарият корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар жорий қилинган бўлиб, бу ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишда

муҳим аҳамият касб этмоқда. Бахтсиз ходимларнинг олди олинмоқда. Ушбу низомида хизмат ходимлари белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш зарур билим ва кўникмаларни талаб қилгани боис ушбу шартнинг қиритилиши айни муддао, албатта. Аммо бугунги кунда вилоятларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг малакасини оширувчи марказлар йўқ. Бунинг учун пойтахтга боришга тўғри келади. Чекка вилоятлар аҳолиси учун бу осон эмас. Йўл, меҳмонхона харажатлари, малака ошириш учун тўловлар дегандек... Тўғри, низомида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис малака оширишда чикимдор бўлмаслиги белгиланган. Лекин ҳамма иш берувчилар ҳам мутахассисларнинг малака оширишлари учун

зарур маблағларни топиб бериш имконига эга эмас. Улар бу маблағни меҳнат муҳофазасининг ўзига сарфлашдан кўпроқ манфаатдор. Вилоятларда, айтилик, Хоразмда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари малака ошириши учун шарт-шароитлар яратилса, аввало, ходимнинг вақти, жамоанинг маблағи тежаб қолинган бўларди. Бизнингча, бунинг ташкил қилиш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Худудларда кўплаб касб-хунар мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Мономарказларда ҳам ташкил қилиш мумкин. Ёки малака ошириши масофавий йўлга қўйиш имконияти ҳам бор. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарориди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини

мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш бўйича ваколатли орган этиб белгиланган. Амалда эса вазирлик меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларига услубий ёрдам бериш ўрнига, «вақтида малака оширмаганини, сертификати йўқлигини» сабаб қилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни жаримага тортиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Кошки эди, жаримага тортиш билан масалага ечим топила қолса?! Ундан кўра вазирлик ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари вакилларининг малака оширишлари учун шарт-шароитлар яратишлари мақсадга мувофиқ ва фойдалироқ эмасми?



Мухаббат ТЎРАБОЕВА, «ISHONCH»

НИЗОМИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС МАЛАКА ОШИРИШДА ЧИКИМДОР БЎЛМАСЛИГИ БЕЛГИЛАНГАН. ЛЕКИН ҲАММА ИШ БЕРУВЧИЛАР ҲАМ МУТАХАССИСЛАРНИНГ МАЛАКА ОШИРИШЛАРИ УЧУН ЗАРУР МАБЛАҒЛАРНИ ТОПИБ БЕРИШ ИМКОНИГА ЭГА ЭМАС. УЛАР БУ МАБЛАҒНИ МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ ЎЗИГА САРФЛАШДАН КЎПРОҚ МАНФААТДОР.

Долзарб мавзу





Хоразм вилояти

Рағбат

## ТАЪЛИМДАГИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

ёшларнинг шундай лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда

Сарвар Пиржонов – Ургачдаги 6-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари. Ўқувчилар уни қадрдон устоз, садоқатли дўст деб билишади. С.Пиржонов ташаббуси билан мактабда ҳар куни бирон викторина, китобхонлик танлови, спорт мусобақаси ташкил қилинади. Ўқувчиларнинг илмга иштиёқини ошириш учун уларни турли совғалар билан рағбатлантириб боради.

Сарвар Пиржонов Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ёшларнинг фаоллиги, ижодий қобилияти ва ташаббускорлигини ривожлантириш, касбий маҳоратининг рўбга чиқишига қўмаклашиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш халқ таълими ходими» танлови ғолиблари сафидан жой олди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашида танловнинг ҳудудий ғолиблари муносиб тақдирланди.

– Танловда 30 ёшигача бўлган, ўз лавозимида камида 2 йиллик иш тажрибасига эга ва жамоада ҳурмат қозонган, охириги бир йил давомида соҳада муайян натижаларга эришган, АКТ ва хорижий тилларни биладиган, етакчи, фаол, ташаббускор, ёш мутахассис ходимлар ўзларининг «Таълим тизимида креатив ёндашув» мавзусидаги концептуал лойиҳалари билан иштирок этдилар, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муассар Раҳимова. – Таълим тизимида салоҳиятли ёшларнинг кўпайиши соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Танлов ғолиблари Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти ташкилотининг дипломи, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Муҳаббат ТҲАБООЕВА,  
«ISHONCH»

## Қашқадарё вилояти

Президентимиз олиб бораётган халқчил сиёсат натижасида юртимиздаги муқаддас қадимжолар қайта тикланиб, таъмирланиб, улғу алломалар руҳларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилаётгани одамлар онги ва дунёқарошига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Ана шундай қадимжолардан бири қадимий Бухоро заминидagi Хожа Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳидир. Яқинда Кўкдала туманидаги «Чувуллоқ»



Миннатдорлик

## НУРОНИЙЛАР ТАШАККУРИ

маҳалла фуқароларининг бир гуруҳи муқаддас маскани зиёрат қилиш имконига эга бўлдилар. – Бизга яратилган бу қулайликдан сафар иштирокчиларининг барчаси беҳад мамнун бўлди, –

дейди меҳнат фахрийси Жовли Норбўтаев. – Энди Самарқанд шаҳрига саёҳат режалаштирилмоқда.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,  
меҳнат фахрийси

Пойтахтимизнинг Зарқайнар кўчасида бир ажойиб хонадон бор. Ундан ҳеч қачон меҳмонларнинг оёғи ўзилмайди. Уй эгалари эса уларни ҳаммиша очиқ чеҳра билан илиқ қарши олишади.

Хонадон бекаси Мавлуда опа ҳамкасбим бўлади. У ишонамиздаги энг саҳий ва мурувватли аёл эди. Қарз сўраганга пул бериб турар, ёрдамга муҳтожларга биринчилар қатори қўлини чўзарди. Мен бу хонадонда кўп меҳмон бўлганман, бироз яшаганман ҳам...

# САХОВАТПЕША ИНСОНЛАР ОИЛАСИ

Бир йили ижарага олинган хонада яшашга қийналиб, бошқа бошпана излай бошладим. Буни сезган Мавлуда опа мен билан бафуржа гаплашди. Пировардида, таклифини айтди:

– Бизнинг ҳовлимиз торроқ бўлса, кўнглимиз кенг. Қолаверса, ҳозирга қадар бу уйларда кимлар яшамади, дейсиз. Айтмоқчи бўлганим, сиз ортиқча ташвиш чекмай, бизни кенга келаверинг. Ҳошим акангиз ва ўғилларим олдида сираям хижолат бўлманг. Улар ижодкорларни яхши кўришади.

Опа шундай дея, мени кенг ва ёруғ хонага бошлади: – Мана шу ерда яшайсиз. Болаларимга айтаман, хонтахта олиб кириб беришади. Бемалол ижод қилаверасиз, ҳеч ким халақит бермайди.

Мен эртаси кунлик уларни кўришга кўчиб келдим. Ҳеч қанча ўтмай, бу оила аъзолари ури жудаям меҳрибон ва мурувватли инсонлар эканига ишонч ҳосил қилдим.

Бир оқшом Мавлуда опа иккимиз унинг оиласига тегишли фотоальбомни томоша қилётгандик.

– Булар орасида йигирмага

яқин бошқа кишиларнинг ҳам расмлари бор, – деди у суратларни бир-бир кўздан кечиришга, алланечук уйга толиб.

– Уларнинг барчаси бизникида яшаб, институтларда ўқиган ёки турли ташкилот-корхоналарда ишлаган. Сўнгра уйли-жойли бўлиб кетилган. Ҳатто бир қизни шу ҳовлидан келин қилиб чиқарганимиз. Раҳматли онам ҳам бағрикенг, меҳмондўст инсон эди. Кези келганда, кўчада қолган бир татар аёлга уйимиздан жой берган ва унинг турмушга чиқишига бош-қош бўлган. Кейинчалик тўсатдан турмуш ўртоғи вафот этганида ҳам унга ғамхўрлик кўрсатган. Вафот этишидан олдин менга «Қизим, Раянинг ҳеч кими йўқ. Унинг ҳол-аҳолидан ва ош-тузидан хабардор бўлиб туришлар»,



## Бор бўл, оқибат

деб васият қилганди...

Сўхбатимиз шу ерга етганида кўкқисдан телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим. Рая хола экан. «Овқат олиб чиқинглар», деди у секингина. Мавлуда опа дарҳол ўрнидан турди-да, чинни косага қозондаги иссиққина маставадан қуйиб, бир ликобчага салатлар солиб, кўлимга тутқазди.

– Неварам Эъзога Рая опанинг уйини билади. Буларни унга элтиб беринглар, – деди.

Эъзога иккимиз Рая холаникига бордик. У зўрға ўрнидан кўзгалди. Қайтишимизда бизга «Мавлудага айтинглар, бир келиб кетсин», деб тайинлади. Мавлуда опа бу гапни эшитиши билан оқ ташқарига шошилди. Кейин эшитсам, у Рая опани чўмилириб, баъзи кийимларини ювиб бериб келибди.

Бир кун тобим қочиб, ётиб қолдим. Мавлуда опа атрофимда парвона бўлди, дорилар ичирди. Ҳошим ака нима кераклигини дам-бадам сўраб турди. Ўғли Жавоҳир «Опажон, оч ётманг, бирон нарса еб олинг!» дея меҳрибонлик қилди. Бобур эса бозордан мева-чева келтириб берди. Уларнинг ғамхўрлигидан бошим осмонга етди. Икки кундаёқ оёққа туриб кетдим.

Шу-шу ўзимни бу оиланинг ҳақиқий аъзоси сифатида ҳис эта бошладим. Ва яна англадимки, бундай хайрли ишларни фақат олижаноб инсонларгина қила оладилар. Биз улардан ҳар қанча ўрнак олсак, арзийди!

Хонбиби ҲИММАТ ҚИЗИ,  
журналист

## Андижон вилояти

Баъзида ўйлаб қолсан киши, ўзбек тўй қилиш учунгина яшайдими? Яна уй қуриш, машина олиш орзусидагина умргузаронлик қилмаяпмизми? Яқинда бир танишим 10 йилдан бери таътилга чиқмаганини айтиб, мақтангандек бўлди.

# ТҲҲЙ, УЙ ДЕБ, ЎЗИМИЗНИ УНУТИБ ҚҲҲМАЯПМИЗМИ?

Дарҳақиқат, биз ёз келиши билан ёки меҳнат таътилига чиққанда, албатта, уйни таъмирлаш, тўй қилиш режасини тузимиз.

Ҳар кун ишга бориб, уйга қайтиш каби бир хилликдан одам зерикади. Оқибатда, ўзида чарчоқ сезади. Тўхтовсиз, танаффуссиз ишлаганда одам туғул, техника ҳам қизиқ, тутаб кетади. Энди ўзингиз айтинг, толиққан, асаблари таранг ходимнинг ишида унум бўладими? Йилда бир марта бўлса-да, ҳаво алмаштириш ҳар қандай одамга куч-қувват беради.

Яқинда қизини турмушга узатган ҳамкасбимни ташвишдан қутулгани билан табриклаган бўлдик. Лекин адашган эканмиз. Энди у кунора тоғора ташиш, кувё билан қудаларни йўқлашдан бўшамаётган экан. Ваҳоланки, «таши-таши»ларнинг ўрнига аёли билан дам олиб келса бўларди-ку!

Мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш борасида хайрли ишлар



амалга оширилмоқда. Юртимизда санаторий-курортлар кўп. Қолаверса, жаннатмонанд юртимизда сўлим гўшалар, дам олиш масканлари етарли. Истаган одам уларда соғлигини тиклаб, ҳордиқ чиқариши мумкин.

– Мактабларимиздан бирида узоқ йиллар таълим соҳасида ишлаган инсон дарс бе-

## Мушоҳада

ради. Унинг оёғи оғриб, безовта қилади. Унга кўп марта «Хоҳлаган жойингизга боринг, дам олиб келинг. Энди ўзингиз учун ҳам яшайдиган вақтингиз келди», десам, қани энди кўнса. «Дам олишга ҳали бор. Набираларни ўйлаб-жойлаш керак», дея рози бўлмади, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Избоскан тумани кенгаши раиси Акбарали Аҳмадалиев. – Ҳолбуки, ҳар йили санаторий учун 270 та йўлланма таълим йўналишида фаолият юритаётган ходимларга берамиз. «Касаба сайр» йўналишида ҳам республикамизнинг диққатга сазовор жойларига сайёҳлик сафарлари уюштирилади.

Избоскан туманидаги «Мангуберди» маҳалласида яшовчи 70 ёшли Алишер Ниёзовни кўрганам нари борса, 50 ёшлар атрофида бўлса керак, деб ўйлашади. У узоқ йиллар тиббиёт соҳасида ишлаган, 5 нафар фарзандни тарбиялаб, уйли-жойли қилган. – 10 йил аввал пенсияга чиққанман, – дейди Алишер ака. – Шундан буён ҳар йили аёлим билан санаторий ёки курортга бориб дам оламан. Чарчоқ ва толиқишларимни ташлаб, ҳар сафар ёшариб, куч-қувватга тўлиб, бир олам таассурот билан қайтаман.

Шу ўринда бир гап: фарзандларнинг ота-оналарига баҳаво масканларга йўланма олиб беришлари – энг яхши совға. Қолаверса, ёшларнинг ўзлари ҳам дам олишларини мазмунли ўтказиш мақсадида узоқ-яқиндаги диққатга сазовор жойларда ҳордиқ чиқаришига нима етсин. Бунинг учун эса тўйлар ва уйларимиздаги дабдабани бироз камайтирсак, кифоя.

Сиз нима дейсиз, қадрдон?

Анваржон ҲАЛИМОВ,  
«ISHONCH»

## Эълон ва билдирувлар

### «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ босқичма-босқич ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига «Сурхондарё Агрокимёмия» АЖнинг 2021 йил 30 сентябрдаги 11-сонли буйруғига асосан тугатилган «Сурхондарё Агрокимёмия» АЖга қарашли, Ангор тумани «Карвон» МФЙ манзилида жойлашган, умумий ер майдони 2700,0 кв.м бўлган, Литер «001», Минерал ўғит омбори шохобчаси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 136841000 сўм.**  
Аукцион савдоси Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй манзилида 2022 йил 7, 8 июль кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.  
Аукцион савдосида қатна-

шиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ билан закат шартномасини расмийлаштириб, унинг ҳисоб-рақамига (банк: ЧЭКИ «Ҳамкор-банк», х/р: 20208000400868025001, МФО: 01001, СТИР: 305471954) солиштирилган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.  
**Мурожаат учун манзил:** Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй. Тел.: 0-376-224-36-76.  
**Хизматлар лицензияланган.**

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчаси мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳри, Турон кўчасидаги рақамсиз уй учун Мухамедов Учкун Тураевич номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқлигини сабабли бекор қилинади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси «Ishonch-Доверие» газетасининг масъул котиби Валентина Марценякка онаси **Антонина МАРЦЕНЯК**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририятнинг Хоразм вилояти бўйича муҳбири Муҳаббат Тўрабоевага волидаи мухтарамаси **Қурбоний Тўрабоев**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

### Бўлимлар:

Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлар – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

### www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишнинг мумкин.

### Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоний вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Ж. Наҳанов

Мусаҳиҳ: Д. Равшанова

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 19:10  
Топширилди – 19:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г-706**

31641 нусхада босилди. Нашр қўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130